

Абдусаттор СОДИҚОВ

# ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

*Хотиралар*

«ТАФАККУР» нашриёти  
Тошкент — 2010

ISBN 978-9943-372-66-5

©Абдусаттор Содиқов,  
© «Тафаккур» гнашриёти, 2010 й

**Kitobxon.Com**

## ЎЗИМИЗНИНГ ДОКТОР



Ҳаётда фалончи муаллим, уста, ҳофиз, ошпаз, доктор деб чақирадиган одамларни доимо учратамиз. Бундай одамлар орамизда кўп. Ана шундайлардан бири Абдуҳолик Амонов эди. Ушбу мақолани ўқиётган ёши улуг кишилар дарҳол гап ўзимизнинг доктор Абдуҳолик ҳақида бўлса керак, деган фикрга бориши аниқ. Дарҳақиқат, у ўзининг қисқа, лекин сермазмун умрида одамлар қалбида илиқ туйғу қолдириб, “ўзимизнинг доктор”

даражасига етган оддий, камтарин инсон эди.

Абдуҳолик Амонов 1950 йилнинг 15 сентябрида Зоминда туғилган. У ўрта маълумотни ҳам шу ерда олди. Кейинчалик Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳида врачлик мутахассислиги бўйича дипломга эга бўлди. У меҳнат фаолиятини ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан бошлади. Ўша пайтлар юқумли касалликлар бўйича мутахассисларга эҳтиёж катта эди. Шунини ҳисобга олиб, А. Амонов бу соҳани чуқур ўрганиш, беморлар дардига дармон бағишлаш учун олий ўқув юртида олган билимларини амалиётда қўллашга астойдил киришди. Ўз касбига меҳр-садоқат, изланиш тез орада унинг беморлар ишончини қозонишига замин яратди. Дардан фориғ бўлиб, саломатлигини тиклаб олаётган кишиларнинг ёш шифокорга ихлоси орта борди. Натижада юқумли касалликлар билан оғриган беморларнинг аксарияти ёш Абдуҳоликқа кўринишга, унинг назоратида даволанишга ҳаракат қилишарди. Ўз навбатида Абдуҳолик ҳам одам танламас, унга мурожаат қилган беморлар дардига шифо бағишлашни ўзининг бурчи деб биларди.

Абдуҳолик аканинг даволашдаги асосий ва самарали усули унинг ширинсўзлиги эди. Ҳар қандай беморни ҳам ширин сўз билан тушкунлик кайфиятидан чиқариб, соғайиб кетишига ишонтира оларди. Шу боис ҳам беморлар муолажа даврида дори-дармондан ҳам кўра докторнинг далдаси-ю, ширин сўзидан кўпроқ куч-қувват, шифо топарди.

Ҳар қандай бемор даволаниш чоғида инжиқ бўлиб қолиши табиий. Бунини ҳисобга олган А. Амонов ҳар бир

беморнинг руҳий кайфиятидан келиб чиқиб, шунга мос муолажа қиларди. Шунингдек, касалликни даволашда халқ табобатидан унумли фойдаланишга интиларди. Табиатнинг ўзи даволайди, деган ақидага амал қиларди. Айниқса, Зомин тоғлари бундай шифобахш доривор ўсимликларга жуда бой. Доктор амалиётда бундай ўсимликлардан унумли фойдаланарди. Абдухолиқ аканинг тиббиётдаги устунлик томони шунда эдики, янги дори- дармонларни доим ўрганарди. Уни амалиётда моҳирлик билан ишлатар эди. Назоратида бўлган беморлардаги ҳар бир касалликнинг қандай ўтишини, асорат қолдирмасдан даволаш усулларини изларди.

А. Амонов умрининг сўнгги йилларида физиотерапия бўлими бошлиғи бўлиб ишлади. Бу ерда ҳам беморларнинг унга бўлган ишончи ва ихлоси янада баланд эди. Шахсан ўзим уни туманимизнинг чекка қишлоқларига бемор кўриш учун олиб кетганларига кўп гувоҳ бўлганман. Шунинг учун қачон ва қаерда бўлмасин Абдухолиқ ака ҳақида гап борадиган бўлса, катта- кичик гуруҳ билан “ўзимизнинг доктор” дейишлари бежиз эмас эди.

— Мен ўзимнинг дастлабки фаолиятимни устоз Амонов раҳбарлигида бошлаганман, — дейди Зомин туман марказий касалхонаси юқумли касалликлар бўлимининг бошлиғи Гулнора Норқўзиева, — беморлар билан қандай муомала қилиш, уларга тўғри ташхис қўйишни ундан ўрганганман. Устознинг тўғри маслаҳатлари ҳозир ҳам меҳнат фаолиятимда қўл келмоқда. Бугун шу даражага етиб келишимда унинг хизматлари беқиёс.

— Биз Абдухолиқ билан тенгдош эдик, — дейди унинг дўстларидан бири Ҳикматилла Асатуллаев. — У жуда ҳам очиқ кўнгил, дилкаш инсон бўлиб, давраларда ўз ўрни ва мавқеига ега эди. Тақдир тақозоси билан сариқ касаллигига дучор бўлганимда, ўзи даволади. У шундай кўплаб дўстларга саломатлик бахш этган инсон сифатида ҳам қадрлидир.

Абдухолиқ ака шахсий ҳаётида ҳам бахтиёр инсонлардан бири эди. Унинг турмуш ўртоғи Робия опа ҳам шифокор. Улар ҳаётда, меҳнатда ҳамиша бир - бирига елкадош, ҳамфикр, ҳамдам бўлиб яшадилар. Оилада вояга етган фарзандлар хулқ-одоб, тарбияси билан эл олқишини олишмоқда. Ўғиллари — Алижон Олмалиқ шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, Эркинжон эса Тошкент педиатрия институти талабаси. Қизи Нилуфар — менежер.

— Дадам ёшлигида ҳуқуқшунос бўлишини орзу қилган экан, — дейди ўғли Валижон. — Айрим сабабларга кўра дадамнинг бу орзуси амалга ошмаган. Шундан сўнг у мени ҳуқуқшунослик институтига киритиб, ўзи эриша олмаган орзу-умидларини мен орқали амалга оширишни ният қилган. Дадамнинг ниятлари амалга ошди. Айни кунда мен Жиззах шаҳар суд ижро департаментининг бошлиги вазифасида хизмат қилаяпман. Дадам орзуларини рўёбга чиқарганимдан жуда хурсандман.

Абдухолиқ акани бешафқат ўлим 1994 йил 10 октябрда орамиздан олиб кетди. Лекин унинг орзу-истаклари, бошлаб қўйган яхши ишлари умр йўлдоши, фарзандлари томонидан рўёбга чиқарилмоқда. Унинг туман марказий касалхонасида обрў- эътибори жуда баланд эди. Шу боис ҳам касалхона маъмурияти Робия опани унинг ўрнига физиотерапия бўлимига мудир этиб тайинлашди. Айни кунда у турмуш ўртоғи ишини давом эттириб, беморларга сидқидилдан хизмат кўрсатмоқда.

Жамики тирик зот ҳаётга меҳмон. Кимнинг қанча умр кўриши Яратганга аён. Ҳаётда яхши-ёмон яшашнинг ҳисоби бор. Кимки элига чин дилдан хизмат қилса, одамлар корига яраб, уларнинг дуосини олса, икки дунё кам бўлмайди. Абдухолиқ ака Амонов шундай инсонлардан бири эди. Унинг элимиз саломатлиги йўлида қилган меҳнатлари, яхшилиги, одамийлиги замондошлари хотирасидан асло кўтарилмайди.

## НАҚАДАР АЗИЗДИР УСТОЗ ДЕГАН НОМ



Ўқитувчи барча касб эгаларининг устози эканлигини яхши биламиз. Агар мана шу оддий касб эгалари бўлмаганда, ҳаётимиз бунчалик серқирра маъно кашф этмаган бўлармиди. Қизиғи шундаки, бу касбни танлаган инсонларнинг аксарияти ўзининг содда ва камтарлиги, меҳрибон ва болажонлиги билан бир- бирига ўхшайди.

Хурсанд Аллаёров ҳам ана шундай камтар ва камсуқум, бутун ҳаёти ва умрини ёшлар тарбиясига бағишлаган

фидоий муаллимлардан бири.

Хурсанд Аллаёров 1925 йил 15 январда Самарқанд, ҳозирги Жиззах вилояти Жиззах туманидаги Хайрабод қишлоғида таваллуд топган. У ўқувчилик йилларида, ўтқир зеҳни, илмга ташналиги билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Айниқса, математика дарсига бўлган қизиқиши ва ҳаваси жуда баланд эди. Шунинг учун ҳам математика дарсида унинг олдида тушадиган ўқувчи топилмасди.

Мақтабда етти йиллик таълим олган Хурсанд Аллаёров келажакда ўқитувчи бўлишга аҳд қилди ва Жиззах педагогика билим юртига кириб ўқий бошлади. Барча топшириқ ва дарсларни аъло даражада бажарган ёш талаба ўқитувчилар назарига тушди. Ўзининг тиришқоқлиги ва билимга чанқоқлиги билан ажралиб турган Хурсанд билим юртини муддатидан олдин тамомлади.

Иккинчи жаҳон уруши Хурсанднинг ҳам қисматини четлаб ўтмади. 1942 йилда тенгдошлари қатори у ҳам фронтга йўл олди. Қонли жангларда душманга қарши курашда маҳоратини, жасоратини намоён этди. Белоруссия, Польшани озод қилишда қатнашди. Уруш ниҳоясига етиб галаба кунлари яқинлашганда халоскор армия сафида Берлинга кириб борди. 1945 йил октябрь ойида она юртига соғ-омон қайтиб келди. Жангларда кўрсатган жасорати ва матонати учун бир неча орден ва медаллар соҳиби бўлди.

Урушдан қайтгач Хурсанд ака ўзининг меҳнати фаолиятини яна мактабда давом эттирди. Жиззах туманидаги

9-мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Шундан кейинги йилларда у Фаллаорол туманида, Гулистон шаҳрида ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди. Самарқанд Давлат университетининг математика факультетини сиртдан тамомлади.

Хурсанд Аллаёров 1970 йил 9 ноябрдан ўзининг қадрдон мактаби Жиззах туманидаги “Ўзбекистон” номли 17-мактабда ёшларга математика фанидан сабоқ бера бошлади. У умрининг охиригача шу мактабда самарали меҳнат қилди. Ўзининг қаттиқ-қўллиги, ишига фидойилиги билан маъмуриятнинг ишончини қозонди. У ўқитган ўқувчилар олимпиадада физика математика фанидан деярли ҳар йили туман, вилоят ва республика босқичларида совринли ўринларни қўлга киритиб келди. Меҳрибон ва фидойий устоз 1989 йил 4 декабрда вафот этди. Бугунги кунда нафақат Жиззах туманида, балки вилоятимизда ҳам педагоглар унинг номини моҳир ва жонқуяр физика-математика ўқитувчиси сифатида эътироф этишади. Хурсанд ака ўзининг хизматлари учун қатор фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди. “Халқ таълими аълочиси” деган шарафли номга муносиб деб топилди.

Устознинг ҳаёти ва меҳнати беиз кетган эмас. У тайёрлаган шогирдлар бугунги кунда мамлакатимизнинг турли жойларида самарали меҳнат қилмоқда. Физика-математика фанлари доктори, Тошкент давлат техника университети профессори Фани Шодмонқулов, фан номзодлари Тўрақул Жўраев, Абдуманнон Алишев, Нурмуҳаммад Асадов, “Халқ сўзи” газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари Шухрат Жабборов ва бошқалар унинг муносиб шогирдларидир. Бу рўйхатни ҳали давом эттириш мумкин. Устознинг бахти ва камоли шундаки, юртимизнинг жуда кўп жойларида хизмат қилаётган собиқ ўқувчилари Хурсанд акани ҳурмат бажо келтириб устоз деб фахрланишади. Демакки, унинг қилган ишлари ва эзгу ниятлари ҳозир ҳам шогирдлари томонидан давом эттирилмоқда.

— Хурсанд акадан ўқитувчилик касбига қандай меҳр қўйишни ўрганганмиз, — дейди 17-мактаб директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Кўчқор Исомов. — Хурсанд ака чин маънодаги бетакрор талант соҳиби, физика-математика фанининг фидойий ўқитувчиси эди. Жамоамизда эришилган ютуқлар, айниқса “Йилнинг энг яхши мактаби” кўрик-танловининг республика

босқичида голиб бўлишимизда унинг хизматлари катта.

Хурсанд Аллаёров оилада ҳам меҳрибон ота сифатида ҳавас қилса арзийдиган тақдир эгаси. Ўғли Абдувосит шифокор, вилоят касалхонасида ишлайди. Худойберди эса тадбиркор.





Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1311> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1311> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/1311>